

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
29.12.2012 й.
N 367**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАРИ ЎҚИШИНИ КЎЧИРИШ, ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА
ЎҚИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ҲАҚИДА**

1-илова. Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида Низом

2-илова. Ҳарбий академик лицейлар ўқувчиларини ўқишдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисида Низом

"Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш ҳамда таълим тизимида ислоҳотлар доирасида белгиланган вазифаларни изчил ва сифатли амалга ошириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-ловага мувофиқ;

Ҳарбий академик лицейлар ўқувчиларини ўқишдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-ловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳукуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. Мирзиёев

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил, 1-сон, 6-модда

**Ўзбекистон Республикаси ўрта маҳсус, касб-хунар таълими
муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан
четлаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

- I. Умумий қоидалар
- II. Ўқишини кўчириш тартиби
- III. Ўқишини қайта тиклаш тартиби
- IV. Ўқувчилар сафидан четлаштириш тартиби
- V. Якунловчи қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мажбурий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиш хуқуқини инобатга олган ҳолда ҳал этилади.

3. Ўқувчиларнинг ўқишини бир ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасидан бошқасига кўчириш, шунингдек илгари ўқишдан четлаштирилган ўқувчиларни ўқишга қайта тиклаш, қоидага кўра, ёзги таътил даврида, тегишли курс (семестр)да ўқув машғулотлари бошланишига қадар амалга оширилади.

4. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш жараёни бепул амалга оширилади.

5. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичига мувофиқ (кейинги ўринларда - Таснифлагич деб юритилади) бир тайёрлов йўналиши доирасида ўқувчилар ўқишини бир таълим муассасаси доирасида кўчириш ушбу ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директорининг буйруғи билан амалга оширилади.

6. Бир минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) доирасида ўқувчилар ўқишини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги бир ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасасидан Таснифлагичнинг бир билим соҳаси ичидаги бошқа таълим муассасасига кўчириш ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тегишли ҳудудий бошқармасининг рухсати билан амалга оширилади.

7. Қўйидаги ҳолларда ўқувчилар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази рухсати билан амалга оширилади:

а) бошқа давлатларнинг таълим муассасаларида таҳсил олган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўқишини республика ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига кўчириш;

б) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини ота-оналари билан биргаликда доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетиши муносабати билан ўқишдан четлаштириш;

в) ўқувчиларни бир минтақадаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларидан бошқа минтақаларнинг (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига кўчириш;

г) бир ҳудуд доирасида ўқувчиларни бир ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларидан турли вазирликлар (идоралар) тасарруфидаги бошқа ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасига кўчириш;

д) ўқувчиларни Таснифлагичга мувофиқ бир билим соҳасидан бошқа билим соҳасига кўчириш.

8. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини бошқа вазирликлар (идоралар)нинг ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларга кўчириш ва қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан кўрсатиб ўтилган вазирликлар (идоралар) билан келишган ҳолда амалга оширилади.

9. Ўқувчиларни кўчириш ва қайта тиклаш тўғрисидаги барча аризалар бевосита ўқувчилар ўқиётган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасида қабул қилинади.

Кўриб чиқиш ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директори ваколатига кирадиган аризалар 20 августга қадар қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ваколати доирасида кўриб чиқиладиган аризалар 1 августга қадар қабул қилинади ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси томонидан ҳудудий вилоят бошқармаларига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ваколати доирасида кўриб чиқиладиган аризалар ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳудудий вилоят бошқармалари томонидан расмий хат билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига юборилади.

10. Ўқувчиларнинг ўқишини кўчириш ёки қайта тиклашда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директори томонидан ўқув режалари ва дастурларга фанлар бўйича фарқларни ёки қарзларни топшириш тартиби ва муддатлари (икки ойдан ортиқ бўлмаган), шунингдек ўқувчиларни ўқитиш курси белгиланади.

II. ЎҚИШНИ КЎЧИРИШ ТАРТИБИ

11. Ўқувчилар ўқишини бир ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасидан бошқасига кўчиришда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармасига қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

а) ўқувчининг ёзма аризаси, ўқувчи вояга етмаган бўлса унинг ота-онасидан бирининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) аризаси;

б) таълим муассасасининг номи, мутахассислик, курс, гурӯҳ кўрсатилган ҳолда таълим муассасасининг гербли муҳри билан тасдиқланган рейтинг дафтарча нусхаси;

в) ўқувчи паспорти нусхаси, вояга етмагани сабабли паспорти бўлмагандан туғрисидаги гувоҳнома ҳамда ота-онаси (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг доимий яшаш жойи кўрсатилган паспорти нусхаси.

12. Ўқиши кўчириш тўғрисидаги ариза таълим муассасаси директори, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси ёки Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ариза берилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида кўриб чиқилади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг ёзма жавоби тегишли ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармасига юборилади. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси олинган жавоб асосида ариза берувчининг ва тегишли таълим муассасаларининг манзилига хат юборади.

Таснифлагичга мувофиқ ўқувчининг билимларнинг бир соҳаси ичидা, бир минтақа доирасида жойлашган таълим муассасасига ўқиши кўчириш тўғрисидаги аризаси ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси томонидан кўриб чиқилади, натижалар ҳақида ариза берувчига ва таълим муассасаларига ёзма хабар берилади.

Ўқувчининг ўқишини кўчириш тўғрисида ижобий қарор чиқарилганда ўқувчини қабул қилувчи ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси 3 кун муддатда ўқувчи таҳсил олган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасига ўқувчининг хужжатларини жўнатиш тўғрисида сўровнома юборади.

Ўқувчи бунгача ўқиган таълим муассасаси ушбу сўровнома асосида 3 кун муддатда ўқувчининг хужжатларини янги ўқиш жойига юборади.

Ўқувчининг хужжатлар йифмажилди ўқувчининг ўзига - ариза берувчига ёки унинг ота-оналарига (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) берилишига йўл қўйилмайди.

Ўқувчини қабул қилувчи ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда 10 кун муддатда ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариши шарт.

III. ЎҚИШНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ТАРТИБИ

13. Ўқувчиларни ўқишга қайта тиклаш учун ўқувчи вояга етмаган бўлса унинг ота-онасидан бири (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) четлаштириш сабабларини кўрсатган ҳолда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директори номига ариза бериши керак.

14. Ўқувчининг, ўқувчи вояга етмаган бўлса унинг ота-онасидан бирининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) ўқувчини ўқишга қайта тиклаш ҳақидаги аризаси ариза берилган кундан бошлаб 15 кун муддатда кўриб чиқилади.

15. Ўқувчини бошқа ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасига ўқишга қайта тиклашда у олдин ўқиган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасининг розилиги талаб этилмайди.

16. Ўқувчи олдин ўқиган тайёрлов йўналиши тўхтатилган бўлса, унинг хоҳишига кўра турдош тайёрлов йўналишига ўқишни тиклаш мумкин.

17. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқишнинг таълим дастурини бажарган, бироқ якуний давлат аттестациясида иштирок этмаган ёки ундан ўтмаган З-босқич ўқувчилари Педагогик кенгаш қарори асосида якуний давлат аттестация комиссияси фаолият кўрсатаётган даврда 3 йил мобайнида якуний давлат аттестациясини қайта топшириш хуқуқига эга.

3 йил мобайнида якуний давлат аттестациясини топширмаган ўқувчилар ушбу Низомга мувофиқ З-босқичда қайта ўқиш учун ариза бериши мумкин.

IV. ЎҚУВЧИЛАР САФИДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

18. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси ўқувчилари қуйидаги ҳолларда ўқишдан четлаштирилиши мумкин:

- а) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида) академик таътил олганда;
- б) ўқиши бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) доимий яшаш учун бошқа давлатга чиқиб кетганда;
- г) суднинг қарори билан озодликдан маҳрум этилганда;
- д) вафот этганлиги сабабли.

19. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасининг академик қарздорликка (ўзлаштирасликка) эга бўлган ёки ўқув режаси талабларини бажармаган (ишлаб чиқариш ёки диплом олди амалиётидан ўтмаган, курс ишини топширмаган, З ва ундан ортиқ фан бўйича "қониқарсиз" якуний йиллик баҳо олган) ўқувчилари Педагогик кенгашнинг қарори бўйича ўқув йили тамом бўлгач бир йил такроран ўқиш учун курсда қолдирилиши мумкин.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини бир йил такроран ўқиш учун курсда қолдириш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Бадиий академия билан келишган ҳолда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан белгиланади.

Ўқишдан четлаштирилган ёки ўқиш учун такрорий муддатга қолдирилган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директори томонидан тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга тақдим этилади.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

20. Ўқиши кўчирилган ёки ўқишга тикланган ўқувчиларнинг шахсий хужжатлар йигма жилдига ариза, буйруқ ва белгиланган намунадаги рейтинг дафтарча нусхалари тикиб қўйилади.

21. Ўқувчиларнинг ўқишини кўчиришда, уларни ўқишга тиклаш ва ўқишдан четлаштиришда хужжатларнинг ишончлилиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги учун жавобгарлик ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директорига юкланади.

22. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ўқишини кўчириш, уларни ўқишга тиклаш ва ўқишдан четлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган барча хужжатлар мансублиги бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг тегишли ҳудудий бошқармаларида, ўз тасарруфида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларда белгиланган тартибда сақланиши керак.

23. Ўқувчилар ўқишини кўчириш, уларни ўқишга қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги қарордан норози бўлганлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига ёки суд органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

"Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами", 2013 йил, 1-сон, 6-модда

**Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 29 декабрдаги
367-сон қарорига
2-ИЛОВА**

Ҳарбий академик лицейлар ўқувчиларини ўқишдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

- I. Умумий қоидалар
- II. Ўқувчиларни ҳарбий академик лицейдан четлаштириш
ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш тартиби
- III. Якунловчи қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2010 йил 17 февралдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган Ҳарбий академик лицей тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ҳарбий академик лицейлар ўқувчиларини ўқишдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ҳарбий академик лицейлар ўқувчиларини ўқишдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш масалалари бўйича қарор Ўзбекистон Республикаси ўқувчиларининг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

3. Ўқувчиларни бошқа таълим муассасаларидан ҳарбий академик лицейларга ўтказиш тақиқланади.

4. Ўқишдан четлаштирилганларни тиклаш, шунингдек ўқувчиларни бир ҳарбий академик лицейдан бошқа ҳарбий академик лицейга ўтказиш тақиқланади.

5. Ўқувчиларни ҳарбий академик лицейдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш бепул амалга оширилади.

II. ЎҚУВЧИЛАРНИ ҲАРБИЙ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

6. Ўқувчиларни ҳарбий академик лицейдан четлатиш ва бошқа ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасига ўтказиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- а) соғлиги туфайли (тиббий комиссиянинг маълумотномаси асосида);
- б) ҳарбий академик лицейда ўқиши хоҳламаслик;
- в) академик ўзлаштирмаслик, бир семестр мобайнида икки ҳафта давомида (76 соат) узрли сабабларсиз машғулотларда қатнашмаслик;
- г) ҳарбий академик лицейнинг ички тартибини қўпол равишда бузиш;
- д) суднинг қарорига кўра озодликдан маҳрум этиш;

е) вафот этганлиги муносабати билан.

7. Педагогик кенгашнинг ўқувчиларни ҳарбий академик лицейдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳамда ҳарбий академик лицей директорининг ёзма мурожаати асосида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига расмий хат билан мурожаат қиласди.

8. Хатга қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) ўқувчилар ва улар ота-оналарининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази директори номига бошқа таълим муассасасига ўтказиш (ушбу Низомнинг 6-банди "д" ва "е" кичик бандлари бундан мустасно) тўғрисидаги аризаси;

б) ўқувчиларнинг белгиланган намунадаги тўлдирилган ва тасдиқланган рейтинг дафтарчasi нусхаси;

в) тиббий комиссиянинг маълумотномаси (зарур ҳолларда);

г) белгиланган намунадаги яшаш жойидан берилган маълумотнома (вояга етмаганлар учун - доимий яшаш жойи кўрсатилган ҳолда уларнинг ота-оналарининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг паспортлари нусхаси).

9. Ҳарбий академик лицей ўқувчиларини ўқишдан четлатиш ва бошқа ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасига ўтказиш тўғрисидаги хат Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан бир ой муддатда қўриб чиқилади ва Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг тегишли буйруғи қабул қилинади.

10. Ҳарбий академик лицей директори Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг буйруғи асосида уч кун мобайнида ўқувчиларнинг шахсий хужжатлар йиғма жилдини ўқувчи ўтказилаётган таълим муассасасига юборади.

11. Қабул қилувчи ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директори 10 кун мобайнида ўқувчиларни ўқишига қабул қилиш тўғрисида белгиланган тартибда буйруқ чиқаради.

12. Ўқувчиларни ўтказиш учун хужжатларни расмийлаштиришда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директори белгиланган тартибда академик қарздорликни ёки ўқув режалари ва дастурларидаги фарқни, уларни топшириш муддатларини (икки ойдан ортиқ эмас) ва тартибини, ўқиши босқичини белгилайди.

13. Ўқувчиларни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ, ариза ва рейтинг дафтарча ўқувчиларнинг шахсий хужжатлар йиғма жилдида сақланади.

Шахсий хужжатлар йиғма жилдини ўқувчиларнинг қўлига ёки уларнинг ота-оналарига (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) бериш тақиқланади.

III. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

14. Ўқувчиларни ҳарбий академик лицейдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш тўғрисидаги тақдим этилган хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва ишончлилиги учун жавобгарлик ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари директорларига юкланди.

15. Зарур ҳолларда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳарбий академик лицейга тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини тасдиқлашни илтимос қилиб расмий хат билан мурожаат қилиши мумкин.

16. Ўқувчиларни ҳарбий академик лицейдан четлатиш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар белгиланган тартибда Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказида сақланади.

17. Ўқувчиларни ҳарбий академик лицейдан четлатиш ва бошқа таълим муассасасига ўтказишдан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига ёки суд органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил, 1-сон, 6-модда